

Sohibjon H. UMMATALIEV,
*Doctoral Student of IRCICA Department of
Islamic History and Source Studies of the
International Islamic Academy of Uzbekistan.
A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.*
E-mail: Sohibjonommataliev9@gmail.ru

АҲМАД АЛ-БАЛАЗУРИЙНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ ҲАҚИДА

О НАУЧНОМ НАСЛЕДИИ АХМАДА АЛЬ-БАЛОЗУРИ

ABOUT THE SCIENTIFIC HERITAGE OF AHMAD AL-BALAZURI

КИРИШ

VIII–IX асрларда аббосийлар давлатида тафсир, калом, ҳадис, фиқх илмлари қаторида тарих илми ҳам шаклланди. Бу даврда яшаган муаррихлар асосан тарихни ўрганишда баён услубидан фойдаланган. VII аср воқеалари ровийлар орқали етиб келган оғзаки ҳикоялар асосида баён этилади. Мазкур хабарлар аксарият ҳолларда уламолар ва турли диний фирмә – гурух вакиллари томонидан жамланганилиги сабабли уларга ортиқча субъектив талқин берилган. Шунинг учун VIII–IX асрларда ёзилган тарихий манбаларни ўрганишда муаллифнинг қайси диний гуруҳлар, ижтимоий табакаларга тегишли эканлигига алоҳида эътибор бериш зарур, чунки муржийлар, умавийлар, шиалар, аббосийлар, хорижийлар ва бошқа ҳарбий-диний гуруҳларга мансуб муаллифлар томонидан ёзилган манбалар ўртасидаги тафовутли маълумотларни қиёсий ўрганиш ҳақиқий воқеликни тиклашда катта аҳамиятга эга (Б. Абдухалимов, 2004).

Илк ислом тарихини ўрганишда Мухаммад ибн Исҳоқ ал-Маданий (699–769), Абдулмалик ибн Ҳишом (ваф. 833), Мухаммад ибн Умар ал-Воқидий (747–823), Али ибн Мухаммад ал-Мадоиний (752–843), Мухаммад ибн Саъд (784–845), Халифа ибн Ҳайёт (ваф. 854) каби тарихчиларнинг асарларини санаб ўтиш мумкин (Қ. Зоҳидов, 2013).

Аҳмад ибн Яҳё ибн Жобир ибн Довуд ал-Котиб ал-Бағдодий ал-Балазурӣ аввалгилардан бўлиб арабларнинг фатҳ урушлари ҳақида ҳикоя қилувчи маҳсус тарихий асар ёзган. Балазурийнинг асл

келиб чиқиши форс бўлган, деб тахмин қилинади. У шоир ва тарихчи ровий бўлган, кўп ҳажвий шеърлар ёзган. Унинг Жобир исмли бобоси араб тилини яхши билган ва Миср хукмдорининг котиби бўлиб хизмат қилган. Аҳмад ибн Яҳё аббосийлар давлати пойтахти Бағдод шаҳрида туғилиб ўслан. Унинг куняси “Абул-Аббос”, “Абу Жаъфар”, “Абул-Ҳасан” ёки “Абу Бақр” бўлган (ан-Надим, 1997).

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўрта аср тарихчиларидан Муҳаммад ибн Абдус ал-Жаҳшиёрий (ваф. 943) “Китаб ал-вузаро вал-куттаб” (ал-Жаҳшиёрий, 1988), Абул-Ҳасан Али ибн ал-Хусайн ал-Масъудий (896–957) “Муужаз-захаб” (ал-Масъудий, 2005), Муҳаммад ибн Исҳоқ ан-Надим (ваф. 990) “ал-Фиҳрист” (ан-Надим, 1997), Али ибн Ҳусайн ибн Асокир (1105–1176) “Дамашқ тарихи” (Асокир, 1995), Ёқут ибн Абдуллоҳ ал-Ҳамавий (1178–1229) “Муъжам ал-удабо” (ал-Ҳамавий, 1993), ибн ал-Адим исми билан танилган Камолиддин Умар ибн Аҳмад (1192–1262) “Буғя ат-талаб фи тарихи Ҳалаб” (ал-Адим, 2008), Шамсиддин Заҳабий (1274–1348) “Сияр аълам ан-Нубала” (Заҳабий, 2006), Муҳаммад ибн Шокир ал-Кутбий (1287–1363) “Фават ал-вафаёт” (ал-Кутбий, 1973), Салоҳиддин ас-Сафдий (1296–1363) “Китаб ал-вафий бил-вафёт” (ас-Сафдий, 2000), Исмоил ибн Касир ад-Димашқий (1301–1372) “ал-Бидая ван-ниҳая” (ибн Касир, 1997), Ҳожи Халифа (1609–1657) “Кашф аз-Зунун” (Ҳожи Халифа, 1981), Ибн Ҳажар ал-Асқалоний (1371–1449) “Лисон ал-мийzon” (ал-Асқалоний, 2002) каби китобларида Балазурий ҳақида маълумот берилган.

Ёқут ал-Ҳамавий хабар беришича, тарихчи ҳақида Абу Бақр ас-Сулий (880–947)нинг “ал-Вузаро” асарида ҳам маълумот келтирилган (ал-Ҳамавий, 1993). Бироқ тадқиқот давомида асарнинг кўлёзма ёки замонавий нусхаси учратилмади. Абу Бақр ас-Сулий ўзи надим вазифасида ишлаган (ал-Бағдодий, 2001), ва ўзидан олдинги надимлар ҳақида, жумладан, ал-Балазурий тўғрисида “ал-вузаро” асарида маълумот берган. Илк ўрта аср тарихчиларидан Абу Убайдуллоҳ Муҳаммад ибн Имрон ал-Марзбоний (910–994) ҳам “Муъжам аш-шуаро” (ал-Марзбоний, 2006) асарида ал-Балазурий ҳақида зикр қилган. Бироқ асарнинг Аҳмад ибн Яҳё ҳаётига оид қисмлари асарнинг мавжуд қўлёзма ва замонавий нусхаларидан

Аннотация: Мақолада IX асрда араб халифалигидаги илмий мұхит хусусан, бу даврда тарих илми ҳақыда сүз боради. Ахмад ал-Балазурый ҳам мазкур асрда яшаган ижодкорлардан бири бўлиб, тарих ва адабиёт соҳаларида илмий фаолият олиб борган. Мақолада Ахмад ибн Яхъя ал-Балазурый ҳаёти ҳақыда маълумот берган тарихчилар, уларнинг асарлари, ал-Балазурый нисбасининг келиб чиқиши, у ҳақыда тарихчи ва тадқиқотчиларнинг хуносалари, ушбу нисба билан ўрта асрларда ижод қилиган олимлар, Ахмад ал-Балазурийнинг Багдоддаги фаолияти, устозлари ва шоғирдалари ҳақидаги маълумотлар, тарихчининг илм олии учун Шомга бориши, у ердаги устозлари, сўнг Багдодга қайтиши ва халифа саройида надимлик вазифасида ишилаши каби масалалар ёритилган. Шунингдек ал-Балазурийнинг илмий фаолияти, унинг “Футух ал-булдан”, “Ансаб ал-ашроф”, “Ахду Ардашер” каби асарлари тўғрисида маълумот берилган. Ахмад ал-Балазурийнинг тугилиши, Шомга сафар қилиши, у ердан қайтиши каби воқеаларнинг вақти ўрганилган манбаларда аниқ қўрсатилмаганлиги сабабли қиёсий таҳлил қилиниб, тахминий сана қайд этилди. Алломанинг бугунги кунгача етиб келган ва замонавий нашрда чоп қилинган “Футух ал-булдан” ва “Ансаб ал-ашроф” асарларига алоҳида ургу берилди. Уларнинг мавзуси маркибий қисмлари, Farb ва Шарқ тадқиқотчилари томонидан ўрганилиши, қўллэзмалари, нашрлари ва таржималари ҳақида сўз юритилди.

Калит сўзлар: Илк ислом тарихи, ал-Балазурий, ал-Масъудий, фатҳ, Муҳаммад ибн Исҳоқ ан-Надим, Ибн Асокир, нисба, Ёқут Ҳамавий, Semecarpus anacardium, халифа Маъмун, шеър, ҳадис илми, Ироқ, Шом, халифа Мутаваккил, надим, Футух ал-булдан, Ансаб ал-ашроф.

Аннотация: В статье рассматривается научная среда Арабского халифата IX века, особенности исторической науки этого периода. Ахмад аль-Балазури один из творческих людей, живших в этом столетии и осуществлявших научную деятельность в области истории и литературы. В статье приводятся сведения о жизни Ахмада ибн Яхъя аль-Балазури, его трудах, этимологии имени ал-Балазури, выводах историков и исследователей о нем, ученых, творивших в средние века с таким титулом - ал-Балазури, деятельность Балазури в Багдаде, его наставники и ученики. Также в статье говорится о поездке историка в Сирию в целях обучения, его учителях там и последующем возвращении в Багдад, где он работал в должности «надима» при дворце халифа. Также, в статье освещается научная деятельность Балазури, в частности: «Футух ал-булдан», «Ансаб ал-ашроф», «Ахду Ардашер». Дата рождения Ахмада ал-Балазури, его путешествия в Дамаск и возвращения оттуда в изученных источниках не уточняется, поэтому был проведен сравнительный анализ и зафиксирована приблизительная дата. Особое внимание уделялось «Футух аль-Булдан» и «Ансаб аль-Ашраф», которые сохранились до наших дней и опубликованы в современных изданиях. Обсуждались составляющие их части, их изучение западными и восточными учеными, а также их рукописи, публикации и переводы.

Ключевые слова: Ранняя исламская история, ал-Балазури, ал-Масъуди, покорение, Муҳаммад ибн Исҳоқ ан-Надим, ибн Асокир, относительность, Ёқут Ҳамавий, Semecarpus anacardium, халиф Маъмун, стих, наука хадисов, Ирак, Шам (Сирия), халиф Мутаваккил, надим, Футух аль-булдан, Ансаб аль-Ашраф.

Abstract: The article deals with the scientific environment of the Arab Caliphate in the ninth century, especially the history of this period. Ahmad al-Baladhuri was also one of the most influential scholars of the century, who worked in the fields of history and literature. In the article, historians who gave information about the life of Ahmad ibn Yahya al-Baladhuri, their works, the origin of the al-Baladhuri ratio, the conclusions of historians and researchers about it, the scholars of the Middle Ages with the same nisbah, Ahmad al-Baladhuri's scholarly activities in Baghdad, his teachers and students, the historian's trip to Damascus while seeking knowledge, his teachers there, and then his return to Baghdad, and his work as a nadim in the caliph's palace.

There is also information about al-Baladhuri's scholarly activity, his works such as «Futuh al-Buldan», «Ansab al-ashrafs», «Ahdu Ardashier». The date of Ahmad al-Baladhuri's birth, his journey to Damascus, and his return from there were not specified in the sources studied, so a comparative analysis was made and an approximate date was recorded. Special emphasis was placed on Futuh al-Buldan and Ansab al-Ashraf, which have been preserved to the present day and have been published in modern editions. The article discusses the components of their subject, their study by Western and Eastern scholars, and their manuscripts, publications and translations.

Keywords: History of early Islam, al-Baladhuri, al-Mas'udi, conquest, Muhammad ibn Ishaq an-Nadim, Ibn Asakir, nisbah, Yaqt al-Hamawi, Semecarpus anacardium, Caliph Ma'mun, poetry, science of hadith, Iraq, Sham, Caliph Mutawakkil, Nadim, Futuh al-buldan, Ansab al-Ashraf.

топилмади (ал-Марзбоний, 2006). Ахмад ибн Яхё ал-Балазурий ҳаёти бир неча тарихчиларнинг асарларида келтирилиши унинг қанчалик ишончли тарихчи эканлигини қўрсатади.

Ўрта асрларда тарихий мавзуда кўплаб асарлар ёзилган. Бироқ уларнинг ижоди маълум бир гуруҳ ва жамоа манфаатини акс эттирганлиги учун кейинги даврларда асар ва унинг муаллифи эътибордан четда қолган. Ал-Балазурий асари эса, ҳеч қандай гуруҳ мафкураси учун хизмат қилмаган. Шунинг учун тарихчилар барча даврларда унинг асарларидан фойдаланган ва тазкира асарларида тарихчи ҳаётига оид маълумотлар баён қилинган.

Ахмад ибн Яхёнинг “ал-Балазурий” нисбаси тўғрисида турли маълумотлар учратиш мумкин. Ибн ан-Надим уни балазур (بَلَازُور) меваси номи билан боғлаган. Ахмад ибн Яхё умрининг охирида касалликка чалинган ва шифо топиш учун балазур мевасидан истеъмол қилган. Бироқ у Ахмадга салбий таъсири қилган ва шу сабабли васваса ва руҳий тушкунликка тушган. Шунинг учун у “ал-Балазурий” деб ном олган (ан-Надим, 1997). Ибн Асокир, ибн ал-Адим ва ибн Касир Ахмад ибн Яхё ҳаётининг охирида руҳий тушкунликка тушганлигини айтган. Лекин балазур меваси ёки “Балазурий” нисбаси ҳакида маълумот бермаган. Ёкут Ҳамавий маълумотига кўра, балазур мевасини Ахмад ибн Яхёнинг бобоси Жобир ибн Довуд истеъмол қилган ва “Балазурий” деган ном олган (ал-Ҳамавий, 1993). Демак, “Балазурий” нисбаси Ахмад ибн Яхёга ота боболаридан мерос бўлиб қолган. Муҳаммад ибн Шокир ал-Кутбий ва ибн Ҳажар Асқалоний ҳам Ибн ан-Надим каби фикр билдирган.

Бугунги кунда балазур дарахти “*Semecarpus anacardium*” (“ёнгоқ дарахти”) деб номланади. Дарахт Ҳимолай тоғларида ва Ҳиндистоннинг иссиқ минтақаларида табиий ҳолда ўсади. Балазур дарахти мевасидан кир ювиш воситаларини тайёрлашда фойдаланилади. XVI асрда кимёвий ўғит сифатида ишлатилган. “*Semecarpus anacardium*” европаликлар томонидан “маркировка ёнгоғи” деб номланган. Меваси пишганда ёқимли ва ширин бўлади, ammo қора мева заҳарли бўлиб, уни истеъмол қиласа ёки унинг қатрони терига тегса, кучли аллергик реакцияга сабаб бўлади. У овқат ҳазм қилиш тизими билан боғлиқ касалликларни даволаш ва балғамни мувозанатлаш учун ишлатилади. Шунингдек, у ақлий ва жисмоний қувватни ошириш хусусиятига эга. Қизил-тўқ сарик қисми

йигилиб, қўёшда қуритилади. У ярим қуритилганидан кейин истеъмол қилинади (Puri, 2003).

Тарих фанлари номзоди Г. Гоипов IX–Х асрларда Тоҳаристоннинг Бағлон вилоятида “Баладур” номли жой бўлганини айтиб, Ахмад ибн Яхёнинг бобоси шу минтақадан Бағдодга кўчиб борганлигини ва шундан сўнг унга ва унинг авлодларига “Баладурий” нисбаси берилганини зикр қилган (Г. Гоипов, 1987). Бироқ бу фикр илмий асосга эга эмас. Чунки ўрта аср тарихчиларидан бирортаси “Балазурий” нисбасини жой номи билан боғламаган. Иккинчидан, барча тарихий асарларда “ал-Балазурий” нисбаси қайд этилган. Агар худудга нисбатан ном берилганида ал-Баладурий шаклида келиши керак эди.

Ўрта асрларда “Балазурий” нисбаси билан ижод қилган бошқа олимлар ҳам бўлган. Масалан Абу Муҳаммад Ахмад ибн Муҳаммад ат-Тусий ал-Балазурий (ваф. 950) мазкур нисбада ижод қилган. У ҳадис илми ва ваъз-насиҳатда ўз даврининг кўзга кўринган олимларидан бўлган (Самъоний, 1988). Бироқ манбаларда унинг нима сабабдан ал-Балазурий нисбасини олгани айтилмаган. Шамсиддин Заҳабий ва Абу Саъд ас-Самъоний (1113–1166) Ахмад ибн Яхёни “катта Балазурий”, Абу Муҳаммад Ахмад ибн Муҳаммадни “кичик Балазурий” деб номлаган. Бироқ манбаларни ўрганиш давомида улар ўртасида қариндошлиқ ёки бошқа тарафдан боғлиқлик кузатилмади.

Шундай қилиб, “ал-Балазурий” нисбаси ўсимлик номидан олинган деб айтиш мумкин. Чунки деярли барча ёзма манбаларда шу маълумот келтирилган. Бироқ уларда ўсимликни ким истеъмол қилганлиги борасида яқдил фикр мавжуд эмас. Бундан ташқари ўсимликка соҳа мутахассислари берган таъриф ҳам унинг инсонга салбий таъсири борлигини тасдиқлайди. Бироқ унинг фойдали жиҳати эътиборга олиниб, истеъмол қилинган. Шунингдек, “ал-Балазурий” нисбасида Ахмад ибн Яхёдан бошқа олимлар ҳам машхур бўлган.

МУҲОКАМА

Ахмад ибн Яхё ал-Балазурий туғилган сана манбаларда аниқ келтирилмаган. Бироқ Ибн Асокир берган маълумот ал-Балазурийнинг милодий VIII аср охири ёки IX аср бошида Бағдодда туғилганига гувоҳлик беради. Тарихчи

Ибн Асокир “Тариху мадинати Димашк” асарида Ахмад ибн Яхё халифа Маъмун (813–833)ни мадҳ этувчи шеърлар ёзганини айтади (Асокир, 1995). Ўша даврда халифа саройида шоирлик даражасига эришиш учун камида 20 ёш ёки ундан каттароқ бўлиш кераклиги инобатга олинадиган бўлса, ал-Балазурӣ VIII аср охири ёки IX аср бошларида туғилган. Г. Гоипов шунга таяниб ал-Балазурӣ тахминан 810–812 йилларда таваллуд топганини айтади (Г. Гоивов, 1987).

Ахмад ибн Яхё отаси ва бобоси сингари аббосийларнинг Бағдоддаги саройида юқори мавқега эга бўлган. Тарихчи мазкур шахарда Аффон ибн Муслим (752–835), Ахмад ибн Иброҳим ад-Даруқий (784–860), Муҳаммад ибн ас-Соббаҳ ад-Давлоний (768–841), Али ибн ал-Мадиний (778–844), Абдуллоҳ ибн Солиҳ ал-Ажалий (798–875), Абу Убайд ал-Қосим ибн Саллом (774–838), Али ибн Муҳаммад ал-Мадоиний (752–843), Усмон ибн Аби Шайба (ваф. 853), Мусъаб аз-Зубайрий (773–851), ал-Воқидийнинг котиби Муҳаммад ибн Саъд (784–845), Абдул-Аъла ибн Ҳаммод (ваф. 851), Муҳаммад ибн Хотам ас-Самин (ваф. 849), Аббос ибн Ҳишом ал-Калбий (ваф. тахм. IX аср), Аббос ибн ал-Валид ан-Нурсий (ваф. 852), Шайбон ибн Фарруҳ (757–850), Абдул-Ваҳид ибн Ғиёс (ваф. 854), Амр ибн Маймун ан-Нокид (ваф. 849), Исҳоқ ибн Истроил (767–859), Абу Робиъ аз-Захроний (ваф. 848), Ҳалаф ал-Баззор (767–844), Ҳавза ибн Ҳалифа (743–831) ва бошқа олимлардан таълим олди (Ал-Балазурӣ, 1996). У устозларидан китобат (котиблиқ), шеър ва насаб илмларини ўрганди. Ал-Балазурӣ ўзининг ilk қасидаларида халифа ал-Маъмун (813–833)ни мадҳ этади (Н. Насруллаев, 2020).

Ал-Балазурӣ ҳадис илмида ҳам муҳаддислар орасида алоҳида ўринга эга бўлган. Ундан Муҳаммад ибн Ҳалаф ибн ал-Марзбон (ваф. 921)¹, Ахмад ибн Абдуллоҳ ибн Аммор (ваф. 926)², Яъкуб

¹ Муҳаммад ибн Ҳалаф ибн ал-Марзбон – Имом, аллома, ахборий. Зубайр ибн Баккор, Ахмад ибн Мансур ар-Румодий, Муҳаммад ибн Аби ас-Сиррий ал-Аздий ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. Шамсиддин Заҳабий “Сиyr аълам ан-нуబала” асарида келтиришича Муҳаммад ибн Ҳалаф “Ал-ҳавий фи улум ал-Қуръан”, “Ҳамосийя”, “Ахбор аш-шуаро” каби асарлар ёзган.

² Ахмад ибн Абдуллоҳ ибн Аммор – унинг “Муқотил ат-толибин” номли асари бўлган. Ахмад ибн Абдуллоҳ Усмон ибн Аби Шайба, Сулаймон ибн Аби Шарҳ, Исҳоқ ибн Аби Истроил, Муҳаммад ибн Довуд ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган.

ибн Наъим ибн Қарқора ал-Арзаний (тахм. ваф. IX аср)³, Абдуллоҳ ибн Аби Саъд (812–887)⁴, Яхё ибн ал-Мунжим (ваф. тахм. X аср боши)⁵ каби муҳаддислар ҳадис ривоят қилган (Ал-Балазурӣ, 1996).

Аллома Ироқда ўз даврининг кўзга кўринган уламоларидан илм олганидан сўнг билимини янада зиёда қилиш учун Шомга сафар қилди. Бу даврда Шомда сийрат ва ҳадис илмини тобеинлардан ўрганиб, мазкур илмларда нафакат ўзлари яшаётган худудда, балки ислом дунёсида машхур бўлган устозлар фаолият юритар эди. Шунинг учун ал-Балазурӣ илм олиш учун Шомга борди. Тарихчининг қачон сафар қилганлиги ҳақида аниқ маълумот кузатилмайди. Унинг Шомдаги илмий фаолияти тахминан 833–847 йиллар орасида бўлган дейиш мумкин. Чунки Ахмад ибн Яхёнинг халифа Маъмун, халифа Мутаваккил (847–861) ва ундан кейинги халифалар даврида Бағдодда бўлганлиги ҳақида маълумот бор. Бироқ халифа Муътасим (833–842) ва халифа ал-Восиқ (842–847) даврида тутган ўрни зикр қилинмаган. Шундан хуласа қилиб айтиш мумкинки, ал-Балазурӣ мазкур икки халифа даврида Шомда яшаган.

Ахмад ибн Яхё илм талабида Шомнинг бир неча шаҳарларига сафар қилади. Хусусан, Дамашқда Ҳишом ибн Аммор (770–859)⁶, Умар ибн Саъид ад-Димашқий (759–839)⁷, Химса

³ Яъкуб ибн Наъим ибн Қарқора – муҳаддис ва котиб бўлган. Али Мусо ар-Ризодан ҳадис ривоят қилган ва имомийлик ҳақида асар ёзган.

⁴ Абдуллоҳ ибн Аби Саъд – унинг тўлиқ исми Абдуллоҳ ибн Амр ибн Абдураҳмон бўлиб, Абу Муҳаммад ал-Варроқ кунияси билан машхур бўлган. У Балҳда туғилган ва Багдодда яшаган. Ҳусайн ибн Муҳаммад Марвазий, Муовия ибн Амр, Аффон ибн Муслим, Сулаймон ибн Ҳарб ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. Ундан Абдуллоҳ ибн Аби Дунё, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Багавий, Муҳаммад ибн Ҳалаф ибн ал-Марзбон ва бошқалар ҳадис ривоят қилган. Абдуллоҳ ибн Аби Саъд Самуррода вафот этган (Хатиб Бағдодийнинг “Тарихи Бағдод” китобидан).

⁵ Яхё ибн ал-Мунжим – адид ва мутакаллим. Аксар манбаларда Яхё ибн Али ал-Мунажжим номи билан зикр қилинган. Аббосий халифалар ва сultonа вакиллари надими сифатида фаолият юритган. Халифалардан ал-Муътазид (892–902) ва ал-Муктафий (902–908) даврида надимлик вазифасида ишлаган.

⁶ Ҳишом ибн Аммор ас-Сулламий – ўзи яшаган даврда Дамашқ аҳлининг муфтийси, хатиби ва муҳаддиси бўлган. Имом ал-Бухорий “ал-Жоме ас-Саҳиҳ” китобида, Абу Довуд, ибн Можа ва Абу Исо Термизий Сунан асарларида ундан ҳадис ривоят қилган. Имом ал-Бухорий ундан тўртта ҳадис ривоят қилган.

⁷ Умар ибн Саъид ад-Димашқий – ахборий. Ундан Мовароуннар ва хуросонлик Муҳаммад ибн Исҳоқ ас-Согоний (796–883), Ахмад ибн Мехрон ал-Исаҳоний (ваф. 1038), Абдуллоҳ ибн Юсуф ал-Хутталий (тахм. ваф.

Мұхаммад ибн Мусоффа ал-Химсий (ваф. 860)⁸, Антокияда Мұхаммад ибн Абдураҳмон (ваф. 857)⁹ дан дарс олади (ал-Ҳамавий, 1993).

Ал-Балазурий Шомдан қачон қайтгандығы ҳам манбаларда көлтирилмаган. Шундай бўлсада, тарихчи илм олган шаҳарлар ва у шаҳарлардаги олимлар вафот этган вақтга асосланиб, унинг сафари 857 йилгача давом этган деб айтиш мумкин. Чунки Аҳмад ибн Яхё таълим олган жой номлари тартибида Антокия охирги ўринда зикр қилинади. Ушбу шаҳарда ал-Балазурийга дарс берган Мұхаммад ибн Абдураҳмон 857 йили вафот этган.

Муаррих Шомдан туғилиб ўстган юрти Бағдодга эмас, аббосийлар халифалигининг янги пойтахти Самуррога қайтади. У қайтганида тағсир, ҳадис, насаб илми, шеърият, лугат, нахв илмларидан чуқур билимга эга эди. Ал-Балазурий санаб ўтилган илмларни ўрганиш учун бир неча йил вақт сарфлади. Шундан кейин халифа саройидаги илмий жамоага қайтадан қўшилди. У халифа Маъмун даврида ўз истеъодини кўрсатишга ҳаракат қиласан, бироқ ёшлиги ва тажрибасизлиги сабабли халифанинг шоирлари билан баҳслаша олмаган эди.

Халифалик бошқаруви ал-Мутаваккилга ўтганида мўтазилийларни сиёсий вазифадан четлтиш ва аҳли сунна уламоларининг мавқеини тиклаш бошланди. Шундан сўнг Аҳмад ибн Яхё ҳам халифанинг шоирлари жамоасига қўшилиш имконига эга бўлди. Халифалик саройи шоирлари асосан халифалар, вазирлар ва давлат қўмандонларини мадҳ этувчи шеълар ёзиш билан шуғулланган. Мутаваккил даврида уларга ал-Бухтарий аш-Шомий раҳбарлик қиласан. Ал-Балазурийнинг шеърлари факат мансабдор шахсларни мадҳ этишга эмас, балки уларга ҳажвий йўл билан масъулиятини эслатиб қўйишга қаратилган эди. Шунинг унинг ижодида руҳий тарбияга оид мавзуларни учратиш мумкин (ал-Адим, 2008).

IX аср) каби мұхаддислар сабоқ олган.

⁸ Мұхаммад ибн Мусоффа ал-Химсий – ҳофиз ва мұхаддис. Ундан Иброҳим ибн Саид ал-Жавҳарий, Абу Довуд ас-Сижистоний, Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон ад-Доримий, Аҳмад ибн Саҳл ан-Найсубурий ва бошқалар ҳадис ривоят қиласан.

⁹ Мұхаммад ибн Абдураҳмон – мұхаддис. Имом ал-Бухорий “ат-Таърих ал-қабир” асарида уни Абу Исҳоқ ал-Физорийдан ҳадис эшитгандығы ҳакида маълумот берган. Ҳатиб ал-Бағдодий ва ибн Ҳажар ал-Асқалоний Мұхаммад ибн Абдураҳмон ишончли мұхаддислардан бўлганини айтган.

Аллома халифа Мутаваккилнинг надими¹⁰ даражасига кўтарилган (ас-Сафдий, 2000).

Аҳмад ал-Балазурий халифалар Мутаваккил (847–861), Мустаъин (862–866), Мұттазз (866–869) билан дўстона муносабатда бўлди. Манбаларда унинг халифа Мунтасир (861–862) билан алоқаси ҳакида маълумот кузатилмади. Эҳтимол, унинг халифалик даври қисқа ва сиёсий низоларга тўла бўлгани учун нафақат ал-Балазурий, балки бошқа адіблар билан ҳам шеърий мажлисларда қатнаша олмаган. Лекин у халифа Мустаъин (862–866) нинг яқин кишиларидан бири эди. Халифа Мұттазз (866–869) ўғилларидан бири Абдуллоҳни¹¹ тарбия қилишни Аҳмад ибн Яхёга топширган (Ал-Балазурий, 1996).

Аҳмад ибн Яхёнинг халифа Мустаъин олдида даражаси кўтарилишига сабаб бўлган воқеалардан бири манбаларда зикр қилинади. Унда айтилишича, халифа шоир ал-Бухтарий аш-Шомийнинг халифа Мутаваккил ҳақидаги бир шеърини айтгаб, ким ўзи ҳакида шу каби шеър ёзса, уни мукофотлашини вайда қиласади. Кўп фурсат ўтмай ал-Балазурий Мустаъинни мадҳ этувчи шеър ёзади ва халифанинг мукофотига сазовор бўлади (ас-Сафдий, 2000). Ибн ал-Адимнинг көлтиришича, халифа совға сифатида шоирга 7000 динор пул берган ва уни сақлаб туриб, муҳтож бўлганида ишлатишни буюрган. Бироқ олим берилган пулни эхсон қилиб юборган (ал-Адим, 2008). Албагта бу воқеа шоир ва тарихчи ал-Балазурийнинг юксак истеъодод эгаси бўлганини кўрсатади. Халифа ўша даврдаги сиёсий ҳолатни ҳисобга олиб, алломага берилган пулни ўзи учун асрар қўйишини тайинлаган, бироқ у эхсон килишни афзал кўрган.

Халифалар ал-Муҳтадий (869–870) ва ал-Мұттамид (870–892) ҳукмронлиги даврида у моддий жиҳатдан қийин аҳволда қолган (ал-Ҳамавий, 1993). Эҳтимол, унинг бу ҳолатга тушишига мансабдор шахсларни ҳажв қилиши сабаб бўлган. Чунки ал-Мұттамид даврида ундан ҳатто дўстлари ҳам юз ўгиради (Ал-Балазурий, 1996).

Шундай бўлса-да, Аҳмад ибн Яхё илмий ва ижодий фаолиятини тўхтатмади. Айнан шу даврда (868–869) ал-Балазурий ўзининг “Футух

¹⁰ Надим – бутунги кундаги вазир ёки маслаҳатчи ўрнидаги давлат мансаби.

¹¹ Абдуллоҳ ибн ал-Мұттазз – аббосий халифаларидан бири. У 861 йил Бағдодда туғилган. Абдуллоҳ шоир ва адаб бўлиб, шеъриятда “ал-бадиб” илмига асос солган. У 909 йили Муртазо биллаҳ номи билан халифа бўлган. Бироқ бир кун ҳам ўтмай ўлдирилган. Араб шоирлари унга бағиплаб марсиялар ёзган.

ал-булдон” (“Мамлакатларнинг фатҳ этилиши”) номли тарихий асарини ёзишга киришади. Асар “Футух ал-булдон ас-сағир” деб ҳам номланади. Бироқ Мұхаммад Шокир ал-Кутбий, Ёқут ал-Ҳамавий, Салоҳиддин ас-Сафдий ва ибн ан-Надим улар алоҳида асар бўлганини айтадилар ва “Футух ал-булдон” асарини “Китоб ал-футух”, “Футух ал-булдон ас-сағир” асарини эса, “Китоб ал-булдон ас-сағир” деб номлайдилар.

Ибн ан-Надимнинг “Ал-Фихрист”, Ёқут ал-Ҳамавийнинг “Муъжам ал-Удабо”, Салоҳиддин ас-Сафдийнинг “Китаб ал-вағій бил-вағійят” асарларида келтирилишича, ал-Балазурый “Китоб ал-булдон ал-қабір” (“Мамлакатлар ҳакидаги катта китоб”) номли асар ҳам ёзган, лекин у охирига етказилмай қолган ва бугунги кунгача етиб келмаган.

Аҳмад ал-Балазурый “Китоб ансоб ал-ашроф” (“Шарағли инсонларнинг наслаблари ҳақида китоб”) номли асарнинг ҳам муаллифидир (ал-Кутбий, 1973). Асарнинг маълум қисми 1884 йили Германиянинг Тюбинген шаҳрида “Ўн биринчи жуз” номи билан нашр этилди. 1938 йили Қуддусда асарнинг тўртинчи ва бешинчи жузлари чоп қилинади. 1959 йили Қоҳирада Мұхаммад Ҳамидуллоҳ (1908–2002) томонидан китобнинг биринчи жузи, 1973 йили Байрутда Мұхаммад Бокир ал-Маҳмудий (1935–1980) томонидан асарнинг иккинч жузи нашр қилинди. 1978 йили Байрутда Доктор Абдулазиз ад-Даврий (1919–2010) китобнинг аббосийлар даврига тегишли қисмини нашр эттириди. 1979 йили Доктор Ихсон ал-Амад (1932–1995) асарнинг Абу Бакр Сиддик ва Умар ибн ал-Хаттоб ҳаётига оид қисмини Кувайтда нашр қилди. “Ансоб ал-ашроф” асарининг тўлиқ нашри 1996 йили Байрутда Дар ал-Фикр нашриётида Суҳайл Заккор (1936–2020) ва Риёз Абдуллоҳ ибн Зубайр-Зириклий томонидан 13 жузда амалга оширилди (Ал-Балазурый, 1996).

“Ансоб ал-ашроф” асарининг 1996 йилда чоп этилган нашрига китобнинг қуйидаги қўлёзма наслхалари асос қилиб олинди:

1. Работ наслхаси. Мазкур қўлёзма Марокаш пойтахти Работ шаҳридаги ҳалқ кутубхонасида 79 рақам остида сақланади. У китобнинг бошқа наслхаларига нисбатан тўлалиги ва мукаммалиги билан ажralиб туради. Қўлёзма 1261 йили Дамашқда Аҳмад ибн Мұхаммад ибн Абдуллоҳ ал-Мосулий томонидан кўчирилган. Котиб китобни кўчиришда ўз даврида мавжуд бўлган қадимий наслхалардан фойдаланган.

2. Истанбул наслхаси. Ушбу қўлёзма Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасида 598 рақам остида сақланади. Қўлёзма 1711 йили Аҳмад ибн Ҳасан Ашмовий томонидан Дамашқ наслха асосида кўчирилган.

3. Мулкийя кутубхонаси наслхаси. Қўлёзманинг бу наслхаси ҳам Марокаш пойтахта Роботда, Мулкия кутубхонасида 6914 рақам остида сақланади. Ундан фақат учинчи жуз таҳқиқида фойдаланилган. Мазкур наслха чиройли мағрибий хатида ёзилган (Ал-Балазурый, 1996).

“Ансоб ал-ашроф” асарида Одам алайҳиссаломдан то Мұхаммад (с.а.в) давларигача бўлган араб қабилалари шажараси, Мұхаммад (с.а.в) нинг пайғамбарлик фаолияти, Мұхамма алайҳиссаломнинг қариндош-урӯғлари ва ўша даврда машҳур бўлган араб қабилалари наслблари ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, асарда умавий ва аббосий халифалар наслби, хорижийлар ҳаракати баён қилинган. Асар бобларида ёритилган мавзулардан билиш мумкинки “Ансоб ал-ашроф” илк ўрта асрларда яшаган машҳур араб қабилалари ва уруғларининг наслблари, ўша даврда юз берган сиёсий-ијтимоий ҳаёт ҳақида маълумот берувчи қимматли манба ҳисобланади.

Мұхаммад ибн ан-Надим асарни “Китаб ал-Ахбор вал-ансоб” (ан-Надим, 1997), ибн ал-Адим “Ансоб ал-ашроф” (ал-Адим, 2008), Ёқут ал-Ҳамавий ва Салоҳиддин ас-Сафдий “Жумалу наслаб ал-Ашроф” (ал-Ҳамавий, 1993), (ас-Сафдий, 2000), Шамсиддин Заҳабий “ат-Тарих ал-қабір” (Заҳабий, 2006) номлари билан зикр қилган. Ибн ал-Адим асарни таърифлаб шундай дейди: “у мазмунли ва фойдали китоб бўлиб, ал-Балазурый вафоти сабабли тугалланмай қолди”. Ушбу таърифдан билиш мумкинки асар муаллиф ҳаётининг сўнги йилларида ёзилган ва ниҳоясига етмай қолган.

Аҳмад ал-Балазурый таржимонлик фаолиятини ҳам олиб борган ва форс (паҳлавий) тилида ёзилган бир қатор асарларни араб тилига таржима қилган. Хусусан, у “Китоб аҳд Ардашир” (“Ардашир ҳукмронлиги ҳақида китоб”) номли қадимги эпосни араб тилига шеърий усулда таржима қилган (ан-Надим, 1997).

Аҳмад ал-Балазурийнинг аниқ вафот этган вақти маълум эмас. У умрининг охирида чалинган касаллиги туфайли ал-бимористон (البيمارستان), яъни касалхонага тушиб, ўша ерда вафот этган. Тарихчилар унинг вафоти ал-Муътамид (870–892) ҳалифалигининг охирида ёки ал-Муътазид (892–902) ҳалифалигининг аввалида бўлганлигини зикр

қиладилар (Ибн Касир, 1997). Шунинг учун унинг вафоти 891 ёки 892 йилга нисбатан қилинади.

Ал-Балазурийнинг “Футух ал-булдон” (“Мамлакатларнинг фатҳ этилиши”) асари арабларнинг фатҳ юришлари ҳақида ҳикоя қилувчи маҳсус ёзилган дастлабки асарлардан биридир. Унинг ҳозирги кунгача етиб келган матни 622 йилдан 869 йилгача бўлган давр ичида юз берган воқеалар баёнини ўз ичига олади. Асарда арабларнинг турли мамлакатларда олиб борган фатҳ урушларидан ташқари у ерларнинг маданияти, дини, ҳукмдорлари, иқтисодий ва ижтимоий ҳолати, арабларнинг бошқарув тизими, хирож йигими, пул-молиясиёсати ва бошқа масалалар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган.

НАТИЖА

Асар биринчи марта голландиялик шарқшунос Михаил Ян де Гуе (1836–1909) томонидан 1866 йили Лейденда нашр этилди. Шу нашр асосида 1901, 1932 йиллари Қохирада чоп этилди. Мазкур шаҳарда 1956, 1958 йиллари Салоҳиддин ал-Мунжид томонидан таҳқиқ қилинди. 1957, 1978, 1983, 1987, 1991, 2000 ва 2013 йиллари асар Байрутда нашр қилинди (Ал-Балазурий, 1996). “Футух ал-булдон” асари 1884 йили лотин тилига таржима қилинган эди. Кейинчалик 1916 йили Филип Ҳури Ҳитти томонидан инглиз тилига (Hitti, 1916), 1924 йили Кларк Моргиттен томонидан франсуз тилига (Al-Baladhuri, 1924), 1917-1924 йиллар давомида Оскар Решер томонидан немис тилига (O. Rescher, 1917), китобнинг бир қисми 1967 йили форс тилига таржима қилинади. Асарнинг айрим қисмлари турли йилларда бир неча шарқшунослар томонидан рус тилига таржима қилинган. Ҳусусан, Иордания ва Фаластин тарихига оид қисмларни 1897 йилда Н. Медников (Н. Медников, 1897), Озарбайжон ва Арманистон худудларига тегишли қисмини 1927 йилда П. Жузе (П. Жузе 1927), Хуросон тарихага оид қисмларни 1939 йилда С. Волин (С. Волин, 1939), Туркманистон ва унга қўшни худудларни 1960 йилда Л.Куббеля ва В. Матвеев (Л. Куббеля, В. В. Матвеева, 1960) ҳамда 1968 йилда Л. Надирадзе (Л. Надирадзе, 1968) таржима қилган (Г. Гойбов, 1987).

“Футух ал-Булдон” асарининг бугунги кунда 3 та қўлёзма нусхаси мавжуд. Улардан энг қадимиysi Америка Қўшма Штатларининг Нию Хавен шаҳридаги Яле университети кутубхонасида сақланади. Қўлёзма Ландберг бўлимидаги 1262

ракам остида бўлиб, бошқа нусхаларга нисбатан қадимиyllиги билан ажralиб туради. Унинг котиби Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Аҳмад ал-Фарғоний (ваф. 973) тарихчи Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарийнинг шогирди бўлган. У ат-Табарийнинг “Тарих ар-руслан ва ал-мулук” асарига қўшимча “Зайл тарих ат-Табарий” номли асар ёзган (Lynch, 2020). Ушбу қўлёзма қадимий бўлишига қарамай, асарнинг замонавий нашрларида унга мурожаат қилинмаган. Рян Ланч 2020 йилда нашр қилинган “Футух ал-Булдон” асари тарихшунослиги ҳақидаги монографиясида қўлёзманинг Яле университети нусхаси ҳақида илмий жамоатчиликка маълум килди (Lynch, 2020).

Асарнинг яна бир нусхаси 623/1226 йилда Аҳмад ибн Ниъма ал-Муқаддасий (1179–1269) томонидан қўчирилган. Мазкур қўлёзма нусхаси бугунги кунда Лейденда 430 рақам остида сақланади (Al-Beladsori, 1866). Асарнинг учинчи қўлёзма нусхасини 1447 йили Алоуддин ал-Қудсийаш-Шофеъий (тахм. ваф. XV аср) қўчириган (ал-Балазурий, 1987). У 23264 инвентар рақами остида Лондондаги британия музейида сақланади.

Хуросон ва Ўрта Осиё ҳақидаги маълумотларни ал-Балазурий Абу Убайда Муаммар ибн ал-Мусанно ал-Балхий (728–824) ва Абу Ҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Мадоиний (ваф. 843) каби тарихчи ровийларнинг сўзидан баён этган. Улардан ташқари муаллиф ўзининг Сурия шаҳарлари бўйлаб қилган сафари давомида учрашган у ёки бу воқеанинг қатнашчилари ва шоҳидларининг тилларидан ҳам маълумотлар келтирган. Асадан тарихда мавжуд бўлган, лекин бугунги кунда йўқ бўлиб кетган ёки номи ўзгарган жой номлари ҳақида маълумот олиш мумкин.

ХУЛОСА

Ал-Балазурий ўзининг асарида келтирилган тарихий маълумотлардан фойдаланишда уларга танқидий ёндашган. Шунинг учун бу асар фатҳ урушлари ва араб ҳалифалигининг тарихи бўйича ҳаққоний ва ишончли манба ҳисобланади. Ҳасрда яшаган тарихчи ал-Масъудий бу асадан кенг фойдаланган ва унга юксак баҳо бериб, “Китобда Шарқ ва Ғарбдаги, Шимол ва Жанубдаги ўлкалар васф қилинди. Биз мамлакатларнинг фатҳ этилиши ҳақида ёзилган бундан яхши китобни билмаймиз”, деб айтган (ал-Масъудий, 2005). Ибн ал-Адим асарни “Мамлакатларнинг фатҳ этилиши ва уларнинг бошқаруви” деб номлаб, унда кўп фойдали

маълумотлар борлигини таъкидлаган (ал-Адим, 2008). Бу асар биз учун алоҳида аҳамиятга эга, чунки унда арабларнинг турли мамлакатларда олиб борган ҳарбий юришлари ва Араб халифалигининг илк давридаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тарихи акс этган. Бу асар илк ислом тарихи билан шуғулланувчи ҳар бир мутахассис учун ибн Жарир ат-Табарий (839–923)нинг “Тарих ар-руслул вал-мулук” асари сингари энг муҳим манба сифатида эътироф этилади.

Шундай қилиб, Футух ал-булдон асари мусулмон ўлкаларининг VIII–IX асрлар тарихи ҳақида маълумот берувчи қимматли асар ҳисобланади. Унинг ўрта аср тарихчилари ва бугунги кун тадқиқотчилари томонидан ўрганилиши китобнинг аҳамиятини кўрсатади. Асарда келтирилган Ўрта Осиё тарихига оид маълумотлар илк ўрта асрларда юртимизда мавжуд бўлган шаҳарлар, халқлар, уларнинг урф-одатлари ва маданиятини ўрганишга ёрдам беради.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Куббеля Л., Матвеева В. Арабские источники VII–X веков. Древние и средневековые источники по этнографии и истории народов Африки южнее Сахары, 1960.
2. Al-Baladhuri. The Origins Of The Islamic State // Translated by Francis Clark Murgotten. – New York: Columbia University Press, 1924.
3. Al-Beladsori. Liber expugnationisregionum / editor: M. J. De Goeje. – Leiden: Lugduni Batavorum, 1866.
4. Hitti, P. K. The Origins of the Islamic State: Translation with Annotations Geographic and Historic Notes of the Kitāb Futūh al-Buldān of al-Imām abul-Abbās Ahmad ibn-Jābir al-Balādhuri. – New York: Columbia University Press, 1916.
5. Lynch, R. J. Arab Conquests and Early Islamic Historiography TheFutuh al-Buldan of al-Baladhuri. – London: Bloomsbury publishing, 2020.
6. O.Rescher. El-Beladori's kitab futuh el-buldan. Leipzig: Otto Harrassowitz, 1917.
7. Puri, H. Rasayana: Ayurvedic herbs for longevity and rejuvenation. – London and New York: Taylor & Francis, 2003.
8. Абдухалимов, Б. «Байт ал-хикма» ва Ўрта Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2004.
9. Ал-Адим, И. Буғя ат-талаб фи тарихи Ҳалаб. Байрут: Дар ал-фикр, 2008.
10. Ал-Аскalonий, И. Ҳ. Лисан ал-мийзан I жуз. – Байрут: Дар ал-башаир ал-исламийя, 2002.
11. Ал-Бағдодий, А.-Х. Тарихи мадинати Бағдод, – Байрут: Дар ал-ғаріб ал-исламий, 2001. J. 4.
12. Ал-Балазурий. Муқаддима Ансоб ал-ашроф. – Байрут: Дар ал-фикр, 1996.
13. Ал-Балазурий А. Футух ал-булдон. – Байрут: Муассаса ал-маориф, 1987.
14. Ал-Жаҳшиёрий М. и. Китаб ал-вузаро вал-куттаб. – Байрут: Дар ал-фикр ал-ҳадис, 1988.
15. Ал-Қутбий М. и. Фават ал-вафаёт, I жуз. – Байрут: Дару Содир, 1973.
16. Ал-Марзбоний М. и. Муъжам аш-Шуаро. – Искандария: Ал-ҳайъа ал-амма лиқусур ас-сақофа, 2006.
17. Ал-Масъудий А. и. Муруж аз-заҳаб. – Байрут: Ал-мактаба ал-асрийя, 2005.
18. Ал-Ҳамавий Ё. Муъжам ал-Удабо – Байрут: Дар ал-ғаріб ал-исломий, 1993. J. 1.
19. Ан-Надим М. и. Ал-Фихрист. – Байрут: Дар ал-маърифа, 1997.
20. Асокир А. и. Тариху мадинати Димашқ. – Байрут: Дар ал-фикр, 1995. J. 6.
21. Ас-Сафдий С. Китаб ал-вафий бил-вафаёт. – Байрут: Дар ихё ат-турос ал-арабий, 2000. J. 8.
22. Гойбов Г. Завоевание Хорасана (Извлечения из сочинения «Футух ал-булдан»). – Душанбе: издательство “Дониш”, 1987.
23. Жузе П. К. Книга завоевания стран, из соч. Балазори. Пер. с арабского П.К. Жузе. – Баку: Обследования и изучения Азербайджана, 1927.
24. Заҳабий Ш. Сиyr аълам ан-Нубала. – Қохира: Дар ал-ҳадис, 2006. Ж. 10.
25. Зоҳидов Қ. Ислом тарихи. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2013.
26. Ибн Касир И. Ал-бидая ван-ниҳая. – Байрут: Дар ихё ат-турос ал-арабий, 1997. J. 11
27. Надирадзе Л. Текст приводится по изданию: Хрестоматия по истории Халифата. – Москва: МГУ, 1968.
28. Медников Н. Палестина от завоевания ее арабами до крестовых походов по арабским источникам. Православный палестинский сборник, 1897
29. Насруллаев Н. Манбашунослик. Дарслик. – Тошкент: Наврӯз, 2020.
30. С. Волин. Извлечения из «Китаб футух ал-булдан» ал-Балазури. – Москва: ИАН СССР, 1939.
31. Самъоний. Ал-ансоб. – Байрут: Дар ал-жинон, 1988. Ж. 1.
32. Ҳожи Ҳалифа. Каشف аз-Зунун. – Байрут: Дару ихё ат-турос ал-арабий, 1981. Ж. 1.

